

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

---

---

ШАҲЛО АҲРОРОВА

**МАЪНАВИЯТ ЭНГ  
ТАЪСИРЧАН ВА ҚУДРАТЛИ  
ҚУРОЛИМИЗДИР**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 316.323:17.022.1(575.1)

КБК: 60.56(5Ў)

А 97

А 97

**Ахророва, Ш.**

Маънавият энг таъсирчан ва қудратли ку-  
ролимиздир [Матн] / Ш.Ахророва. – Тошкент:  
«Маънавият», 2022. – 40 б.

ISBN 978-9943-04-456-2

**М а съ у л м у ҳ а р р и р:**

*Олимжон Давлатов – Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институти директори*

**Т а қ ր ի з ч ի լ ա ր:**

*Қиёмиддин Назаров, фалсафа фанлари доктори, профессор;  
Фазлиддин Равшанов, сиёсий фанлар доктори, профессор.*

Мазкур рисолада маънавият тушунчаси, жамиятда маънавият-  
нинг ўрни, маънавий тараққиёт омиллари, миллий-маънавий қадрият-  
лар хусусида сўз боради. Ушбу рисола барча соҳа раҳбар ва ходимла-  
ри, тадқиқотчилар, талабалар фаолиятида фойдаланиш учун керакли  
манба бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, рисола кенг китобхонлар ва  
жамоатчиликка мўлжалланган.

ISBN 978-9943-04-456-2

© «Маънавият», 2022

---

*Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.*

Ш.Мирзиёев

## МАЪНАВИЯТ – ҚУДРАТЛИ КУЧ

Маълумки, маънавият – инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасавурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида «маъно» сўзи ётади. Инсоннинг ташқи ва ички олами мавжудлиги барчага маълум. Ташқи оламига унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички оламида унинг **маънавий қиёфаси** намоён бўлади. Моддий эҳтиёж инсонга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Инсон маънавияти унинг билимлар доираси ва маданий савияси билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда буларнинг ҳар учаласи бир-бирини тақозо қиласди. Жамиятнинг ҳам, миллатнинг ҳам ривожида маънавият муҳим ўрин тутади. Маънавий етук инсон яшашдан мақсад нималигини юксак доирада аниқлай олади, мана шу қарашлари билан умрига мазмун киритади, у ҳаётий ҳаракатларининг маданий даражаларини қўллайди. Энг муҳими, у ҳалолга ёндашиб, ҳаромдан ҳазар қиласди, ростга эргашиб, ёлғондан ўзини тортади, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади.

Кисқаси, маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанинни севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда қобилият, истеъ-

дод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғуури, обрў-эътибори ҳисобланади. Маънавий етук жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанди кунга ишончи кучли бўлади. Инсонга номуносиб бўлган турли иллатлар барҳам топади.

«Менинг назаримда, – дейди Президентимиз Ш.Мирзиёев, – инсоният дунёсининг буюк бир ёритқи-чи – маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради»<sup>1</sup>.

**Маънавият** – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, олган таълим-тарбиялари, уларнинг ҳаётий тажрибала-ри давомида шаклланган ва ички оламларида намоён бўлган ҳолда инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, муносабатларини белгилайдиган тизимдир. Ҳар бир инсон ўзини шахс сифатида англағандан бошлаб, умрининг охиригача маънавий қиёфасини шакллантиради ва ри-вожлантириб боради. Демак маънавият оламида инсоннинг барча қобилиятлари, тафаккури доирасида юзага келган хulosалари, мақсадлари ҳам акс этади. Бошқача айтганда, у ботиний дунёни ўзида акс эттиради. Одатда, маънавият даражасини ифодалашда маънавий етуклик, маънавий бойлик, маънавий қашшоқлик, маънавий тубанлик каби иборалар, тушунчалар қўлланилади. Инсонни ҳам, жамиятни ҳам камолга етказувчи – маънавий етукликдир. **Маънавий етуклик** – инсоннинг яхши фазилатлар эгаси бўлиши билан бирга, ҳар бир ҳарака-тини эзгулик сари йўналтира олиши, ўзидан ўзгаларга яхшилик тилаш билан бирга кўпчилик учун, эл ва юрт учун фидойилик қила олиши, олган билимларини эзгу-лик учун йўналтиришида намоён бўлади.

Маънавий олам моддиятга айланиши мумкин. Бу ин-соннинг маънавият оламидаги қадрияtlари унинг фао-

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбе-кистон». 2021. 267-б.

лиятида, ўзидан ўзгаларга, оила ва жамиятга, юрт ва миллатига бўлган муносабатида кўринади. Элда хуш фазилатларни инсонийлик, деб сифатлаш бор. Демак, маънавий етуклик мана шу инсонийлик сифатларининг яхлит, тизимли тарзда намоён бўлиши, деб хам айтиш мумкин.

Профессор К.Назаров таъкидлаганидек, маънавият инсоннинг ички ва ташқи хатти-харакати, гўзаллиги, ҳис-туйғулари, кечинмаларини акс эттиради.<sup>1</sup> Маънавият инсонларда юқори даражада такомил топган инсонпарварлик хислатларининг йифиндисидир. Маънавият кенг қиррали сермазмун ва инсондаги нозик томонларни қамраб олган фалсафий тушунчадир.<sup>2</sup> Демак инсон камолоти унинг жисмонан соғлом улғайиши билан бирга соғлом руҳият, соғлом тафаккурнинг уйғунлашувига ҳам эришувидир. Камолотга эришган инсон, халқимиз таъбири билан айтганда, ўзининг «бамаъни»лиги билан хушфазилатларини намоён қилиши, тил ва дил бирлигига эришиш, маънавий қусур ва ножӯя ҳаракат, ножӯя муносабат ва сўзлардан ўзини тия билиши билан кўзга ташланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда куриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир»<sup>3</sup>. Мана шу пойдевор асосида маърифатли жамият ва маънавий макон бунёд бўлади. Маънавий маконда бутун жамият аъзоларига хос бўлган маънавий ва миллий бирлик намоён бўлади.

Масалан, мана шундай бирлик, умумҳаракатни Япония давлатида 2011 йилда бўлиб ўтган цунами ва кучли

<sup>1</sup> К а р а н г: Назаров Қ.Н. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). – Т.: «Академия», 2011. 91–226-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 91–110-бетлар.

<sup>3</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 268-б.

зилзила вақтида япон халқининг матонати мисолида кўриш мумкин. Албатта, япон ҳукуматининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш мукаммал тизими ning ҳам бунда ўрни катта, аммо японияликларнинг ўзларига хос бўлган миллий хусусиятлари, маънавий қиёфаларининг ўз манфаатларидан жамият, юрт манфаатларини юқори қўя билиш сифати цунами билан боғлиқ оғир оқибатларнинг олдини олишда пойдевор вазифасини бажарди, деб айта олиш мумкин. Бошқача айтганда, Япониядаги бу воқеа инсон маънавияти ҳар қандай оғатдан ҳам кучлироқ эканини исботлаб берди. Чунки ўшандаги ҳамма бир-бирига ёрдам беришга ошиқди, айрим жойларда бўлгани каби, талатўпдан фойдаланиб, бирорнинг мулкига эгалик қилиш ёки нархнинг ошиши каби ҳолатлар учрамади, ҳеч ким бирорнинг фалокатидан ўз манфаатини ажратиб олмади. Айнан мана шу ҳолатлар япон миллатининг маънавий бирлигини намоён этди.

Демак, маънавият ҳар бир инсон рухиятида воқе бўлади. У даставвал, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча. Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан ташқарида у инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борлиқка дахлдор қиласди. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. Инсон ўзини халқнинг бир бўлаги деб билгандагина, халқни ўйлаб, халқ учун меҳнат қилиб яшагандагина, маънавият билан туташади.

Хуроса килганда, *биринчидан*, **маънавият** бу – инсоннинг сийрати, маъно-мағзи. Шу маънода у инсон ҳаётининг моҳияти ва умр мазмунини белгилаб беради. *Иккинчидан*, **маънавият** бу – инсоннинг ҳақиқати. Инсон дунё воқеликларида иштирок этар экан, уни англай бошлайди, тафаккур ила таҳлил қиласди, уларга нисбатан ҳис-туйғуларини намоён этади. Шу баробарида ўзи тўғри, деб топган нарсалардан ўз ҳақиқатини

яратади. У мана шу ҳақиқатга асосланиб, мўлжалини олади, йўлини белгилайди, ҳис-туйғуларини шу мўлжал атрофида гавдалантиради. Гап шундаки, бу ҳақиқати ижтимоий ҳақиқат билан уйғунлашса у комиллик топади. **Учинчидан, маънавият** бу – инсоннинг ички қадриятлари мажмуюи. У воқеликлар ичра мавжудлигини намоён қилар экан, уларга муносабатлари асносида қадр даражасини белгилайди, ўлчайди. Ўлчов асосида қайсиdir объектлар, воқеликлар, фазилатлар, ҳатто айрим иллатлар ҳам қадриятлашади. Фақат у мана шу иллатларга иллат, деб қарамайди, бунга маълум асосларни ҳақиқат қилиб олади. Мана шу қадриятлар асосида у маънавий қиёфасини шакллантиради. Демак, маънавий қиёфада фақат фазилатлар эмас, иллатлар ҳам иштирок этар экан. Гап шундаки, бу иллатлар маънавий оламни тубанлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

## НУР – ШАРҚДАНДУР

Юқорида ҳам эътироф этганимиздек, маънавият **баркамоллик** билан туташади. Баркамолликнинг қирралари кўп аслида. Баркамоллик пойдеворини қўйиш учун ҳар бир шахсни болалигидан бошлаб мантикий фикрлашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим ва илм бериш жараёнида унга мунтазам мантикий тафаккур юритиш тамойилларини сингдириб бориш лозим. Ёшларни соғлом фикрлашга, айниқса, мустақил фикр юритишга ўргатиш жамият ривожида муҳим ўрин тутади. Баъзи болаларда кичиклигиданоқ «мен», «ўзим» деб фикр юритиш кузатилади. Шарқона тарбияда эса манманлик, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга уриниш ҳамиша ҳам қувватланмайди. Бу гап қайтариш, қайсарлик, нокамтарликка менгзалади. Аксинча, кичикларга катталар ҳамиша ўз фикрларини ўтказишга уринадилар. Шунда ҳам мустақил фикрловчи одамга нисбатан «фикри бор одам», ёки фикрли одам» ибо-

раларини қўллайдилар. Демак мустақил фикр шарқона тарбияга кўра манманлик, ўзим биларлик қабилида эмас, балки юксак муомала маданияти ва ҳамсухбати, катталарнинг ҳурматини жойига қўйиш доирасида амалга оширилиши керак. Яъни, «йўқ! Сизнинг фикрингизга қўшилмайман!» эмас, балки, «албатта, сизнинг фикрингизни ҳурмат қиласман, лекин менимча мана бу мана бундай бўлади» қабилида. Бошқача айтганда, катталарга, устозларга ҳурмат тамоилига риоя қилган ҳолда. Аслида, ҳар икки ҳолатда ҳам мустақил фикр ифодаланяпти.Faқат иккичи ҳолатда Шарққа хос этикет қоидаларига, миллий қадриятларга амал қилинаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шарқ тафаккурига кўра, инсон баркамоллигига қўйиладиган талаблар алоҳида яхлитликда намоён бўлади. Бу яхлитлик доирасида унинг босиқлиги, вазминлиги, бағрикенглиги, камтарлиги, одамохунлиги, умуминсонийлик руҳиятининг устуворлиги, болажонлиги, кексалар, ожизлар ва болаларга меҳр-шафқатлиги, муомала маданияти қабиларни кўриш мумкин. Шунингдек, шарқона тарбияда табиатга муҳаббат, бошқа дин ва миллат вакилларига нисбатан толерантлик қабилар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Шарқда комиллик фалсафаси ахлоқий қоидалар устуворлиги, қалб тозалиги, муомала маданияти ва оғир-вазминлик фазилатларидан озиқланади. Унда баҳт-саодатга бўлган интилиш эзгу ният ва эзгу амаллар асосида қурилиши лозимлиги таъкидланади. Инсондаги англаш ва тушуниш, хис қилиш қобилиятлари уни олий яратиққа мансуб эканини билдириш асносида унга фақат яхши амаллар бажариш масъулиятини қўйган. Бу масъулият шарқона маънавият тизимининг вужудга келишига замин яратган. Меҳнатнинг, алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳалол меҳнатнинг улуғланиши ва унинг қадрият даражасига кўтарилиши эса бу тизимни янада бойитган. Мана шу асосларда Шарқда

шаклланган бой маънавият ва маърифат тизими турли худудларда ва ўтмишнинг турли босқичларида рўй берган ҳар бир тараққиётга пойдевор қўйиб борган. Тарихнинг ҳар бир қатламида жаҳолатнинг қораланганию, хурофотларга кураш ўти очилганлигини, маърифатга, тафаккурга ҳамиша кенг йўл очишга қаратилган амалларни кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Шарқда азалдан қалб тарбиясига эътибор бериш, маънавий баркамоллик сари интилиш юксак қадрият даражасига кўтарилиган. Дини, эътиқоди, миллати, элати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, инсонни инсон бўлгани учун ҳам қадрлаш тамойили бош мезон вазифасини ўтаган. Европалик алломалардан бири «Нур – Шарқданdir» деган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Шарқдан таралган илм-маърифат зиёси дунёни нурафшон этгани, инсоният тарихи ва тақдирада буюк ўзгаришларга сабаб бўлганининг эътирофи эди бу.

Шарқона маданий-маънавий мерос иккита қудратли манбадан озиқланган: буларнинг бири – дунёвий илмлар бўлса, иккинчиси – диний-фалсафий тафаккур эди. Шарқ маърифатининг кучи бу ҳар икки манбани уйғунлаштира олганида ва мана шу уйғунликни қадрият даражасига олиб чиқа олганида кўринди. Бунинг провардида ислом дини тарқалган худудларда диннинг илм сифатида ривожланишини, дунёвий маданият, табиатшунослик, фалсафа билан боғлиқ фанларини ўрганиш кучайганлигини, хунармандчилик ва бошқа санъат турлари ривож топганини кўриш мумкин. Илму маърифат ривожланар экан, майдонга баҳс ва мунозаралар, хилма хил фикрлар тушади. Бу эса Шарқда тафаккур рифожини юзага келтирган, деб айта оламиз.

**Шарқ маънавияти** аввал бошдан бошлабоқ асосан инсон рухиятини, унинг маънавий оламини билишга, одамларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берган. Шарқ ўз тафаккурида инсоннинг ижтимоий аҳволини нисбатан иккинчи ўринга суриб,

унинг маънавий камолотига эътибор берган, яъни тарбия масаласи муҳим ўрин тутган. Маънавий-ахлоқий тарбияда диндан кенг фойдаланилган. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, Президентимиз бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия билан бирга асрлар давомида қон-қонимизга, онгу-шууримизга сингиб келган муқаддас динимизнинг, умуман диннинг моҳиятини тушунтириб бериш асосида уларни эзгулик ғоялари руҳида тарбиялашни жиддий вазифалардан бири, деб белгилади. Ёшларда ёт ғоялар, радикал оқимлар таъсирига тушишнинг асосий сабабларидан бири – айнан мана шу масалага жиддий эътибор берилмаганлиги, деб кўрсатди.<sup>1</sup>

Фуқаролик жамияти қуришда диний қадриятлар ҳам миллий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини унутмаслик лозим. Зоро, миллий ва диний қадриятларни, аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, улардан таъсирчан тарғибот воситаси сифатида унумли фойдаланиш жамият ҳар бир аъзосининг маънавий оламини бойитишга, миллий ғоя ва миллий ахлоқ тамоийларини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришга, ёшларни юксак фазилатлар эгаси сифатида тарбиялашга ҳам кўмаклашади.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, ғоя, маънавият, дин инсон онги ва қалбига таъсир этадиган, фаолият йўналиши, мақсади, орзуларини белгилайдиган тушунчалардир. Миллий ғоя каби дин ҳам инсон маънавиятини белгилайди, тарбиялади, шакллантиради. Рим файласуфи Боэций (480–524 йиллар): «Худони инкор этувчи одам инсон зотидаги эзгуликни ҳам инкор этади. Имкон туғилган ерда имон ва тафаккурни бирлаштиринг», – деган эди.<sup>2</sup> Халқимиз тарихидан

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 271-б.

<sup>2</sup> 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, хикматлар, афоризмлар. – Т.: 185-бет.

маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат йўналишларида, шунингдек ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндашилганлиги учун жаҳонга машҳур шундай илмий кашфиётлар килиндики, улар халқимизнинг маънавий-маданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоки, ҳозирги даврнинг ҳам юксак шаклланган, комил шахси эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда Шарқнинг нурини янада ёлқинлаштириб, ундан ёшларни тўла баҳраманд қилишдек муҳим вазифа турибди. Ёшлар юксак истеъод ва иқтидор, билимга эга бўлса-да, айримлари айнан миллий маънавиятдан узилиб ё узоқлашиб қолаётгани муаммо келтириб чиқараётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Демак, Шарқ ёшларининг маърифат йўлини ёритища айнан Шарқнинг нури етакчи манба воситасини ўтамоғи лозим.

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, миллий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Янгиланаётган жамиятда маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атиқаларимизни асрар, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди. Ўзбекистонда Мустақиллик эълон қилингунга қадар бир неча сана аввал республика сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий ҳаётининг энг муҳим йўналишларида ўзгариш ва ислоҳотлар олиб бориш учун муайян замин ҳозирлана

бошлади. Нафақат тайёргарлик, бу пайтда келгуси истиклолни қарор топтириш учун ўта зарур бўлган айрим масалаларда журъат ва жасорат билан ошкора амалий ишлар ҳам юзага чиқаётган эди. Жумладан, 1989 йили Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Жаҳон маданиятига ўзининг муносаб хиссасини қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди. Алломаларимиз таваллуд саналарининг нишонланиши, нафақат миллий, балки сиёсий тус олди. Жумладан, 1991 йили Алишер Навоий; 1993 йили Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд; 1994 йили Мирзо Улуғбек; 1995 йили Феруз, Нажмиддин Кубро; 1996 йили Амир Темур; 1998 йили Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний; 1999 йили Жалолиддин Мангуберди; 2000 йили Бурхонуддин ал-Марғиноний, Камолиддин Беҳзод, Имом Абу Мансур ал-Мотурудий каби мутафаккирларга бағишланган тантаналар ўtkазилди.

Таъкидлаш керакки, 1990 йили Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий этилиши Мустақиллик йўлидаги энг дадил қадамлар бўлди. Ана шу дастлабки жараёнлардаёқ маънавият масаласи мухимлардан мухими бўлиб кун тартибига чиқди. Ўша 1990 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаги нутқида «Президент фаолиятининг мухим вазифаларидан бири ҳалқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир»<sup>1</sup> деб айтган эди. Шундан сўнг миллий маданият ва ҳалқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш, виждон эркинлигини таъминлаш, маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маънавий бойлик яратувчи олимлар ва ижодкор ходимларга эътиборни

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 26-б.

кучайтириш, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига жа-  
вобгарлик ҳисси билан ёндошиш вазифалари белгилаб  
олинди.

1991 йил 31 августида Ўзбекистоннинг мустақил  
суверен давлат деб эълон қилиниши мамлакатимизда  
сиёsat, иқтисодиёт ва маънавият йўналишларида кенг  
миқёсли ўзгариш ва ислоҳотларга йўл очди. Умумин-  
соний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий  
меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; ин-  
соннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;  
ватанпарварлик ривожланишнинг асосий тамойиллари  
этуб белгиланди. Тан олиш керак, сўнгги юз йиллар  
давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий  
устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва  
халқни энг замонавий илгор қарашлар, дунёвий демо-  
кратик асосларда тамомила янгилаш, фавқулодда му-  
раккаб ва оғир иш эди. Миллий давлатчилик асосла-  
рини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги  
ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки  
босқич – 1991–2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз  
ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври бўлди. 2001  
йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган  
иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва  
мамлакатни модернизация қилиш даври сифатида бел-  
гиланди. Ҳам ички, ҳам ташқи сиёsatда Ўзбекистон  
ўзига хос тараққиёт моделини шакллантирди.

Бу ҳаётни инсонийлаштириш, жамиятни шахслан-  
тириш учун бутун кишилик тарихининг ақл-тафаккур  
даҳолари орзу қилган ва интилган мақсад, улуғ Алишер  
Навоий айтган «Барчасидин ғараз инсон эди» деган ҳаё-  
тий маслакнинг амалдаги кўриниши эди. Айнан шу та-  
мойил араб тилидан ўзлашган «маъни», «маъно» дея  
кўлланиб юрган маънавият сўзининг ижтимоий салмоқ  
касб этиши, уни бутун миллат ва жамият тараққиёти-  
нинг моҳиятини англатувчи ҳодисага айлантиришини  
тақозо этди. Албатта, бу жараён осон кечгани йўқ. Фикр

исботи учун бевосита маданият йўналишларини кўрадиган бўлсак ўтган аср 80-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб то истиқлолнинг дастлабки йилларида тушкунлик, руҳсизлик кайфияти хукм сурди. «Адабиёт ўладими?», «Маданиятимизнинг тақдири қандай кечади?» қабилидаги саволлар турли расмий, норасмий йиғинларнинг бош мавзусига айланди. Нашриётлар китоб, бадиий адабиёт чоп этишнинг ижтимоий йўналтирилган режаларини йиғиштириб қўйиб, ўз маблағлари ҳисобидан китоб нашр этишни истаган ҳар қандай «ёзувчи»га имконият яратишни, театр саҳналари ниҳоятда саёз майший мавзулардаги пьесаларни саҳналаштириб томошабин етовига тушишни, кинотеатрлар ахлоқий ақидалари шубҳали бўлган, асосан жангари ёки йиғлоқи хорижий фильмларнинг намойиши орқали молиявий жон сақлашни меъёрга айлантирди. Маънавий-эстетик мезонлар сийқаланиб, унутилиб борди. Бозор иқтисоди, мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ўз-ўзидан адабиёт ва санъатнинг жамиятдаги ўрни, аҳамиятини кейинги ўринларга суриб юборди. Моддий манфаат маънавий ақидаларни, миллий қадриятларни тамомила бошқа қадриятлар билан ўзгача тушунча ва ёндошувлар билан алмаштириб қўйди. Жаҳон глобаллашув жараёнларининг бутун мусбату манфий кўринишлари ёпирилиб кириб келаётган паллада эстетик эҳтиёж ҳам ўта рационаллашиб борди. Ўқувчи ва томошабин, айниқса, ўсиб келаётган авлод учун «ҳаёт мактаби»нинг бозорга кўчиши келгусида маънавий таназзулни мукаррар этиши мумкин эди.

Энди мустақиллик, миллий маънавият, маънавий мерос, адабиёт ва санъат масалалари, айнан бозор шароитида уни ижтимоий ҳимоялаш, истиқлол йўлида курашиб қурбон бўлган буюк ўзбек адиллари хотирасини абадийлаштириш, халқни Ватан, элу юртнинг манфаати йўлида бирлаштирадиган битта гоя бўлиши кераклиги, тарихни ўрганиш, миллий ғурур, миллий ҳисни тар-

биялаш каби бир қатор масалалар кўтарилиди. Ота-бо-  
боларимиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга  
хос ва мос стратегияни ишлаб чиқиши керак эди. Маъна-  
вий-маърифий жараёнларнинг давлат миқёсидаги усту-  
вор сиёсат эканининг амалий тасдиғи сифатида мутлақо  
янги ижтимоий институт – Республика «Маънавият ва  
маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Бу  
ишлар 1991–1994 йиллар оралиғида амалга оширил-  
ди. Умуминсоний қадриятларга содиқлик ифодаси си-  
фатида ўтказилган Халқаро фестиваллар, маънавий  
меросимизни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги  
маданий-маърифий тадбирлар, ижодкор зиёлилар, ай-  
ниқса, ёш ижодкорларга амалий ғамхўрлик кўрсатиш,  
уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш орқали  
ўз имконият ва салоҳиятларини намоён этишга рағбат-  
лантириш орқали мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси  
қалбида Ватанга муҳаббат, ғурур ва фидойилик хислат-  
ларини уйғотиши борасида улкан қадамлар ташланди.  
Айни пайтда бу жараёнларнинг тизимли шаклга кириб,  
моҳият ва сифат жиҳатидан мутлақо янги ижтимоий  
институтнинг таъсис этилиши маънавий-маърифий ис-  
лоҳотларнинг давомийлигини ҳам таъминлади.

Иқтисодий ўнгланиш маънавий ўнгланиш билан,  
иқтисодий юксалиш маънавий юксалиш билан уйғун-  
ликда бўлиши сиёсатнинг асосий пойдеворига айлани-  
ши лозим эди. Нафақат иқтисодий, айни чоғда маъна-  
вий-маърифий ислоҳотларнинг кейинги босқичи ҳам  
иқтисодий тетиклашув таъсиридан баҳраманд бўлди.  
1995 йил октябрида «Ўзбекистонда театр ҳамда муз-  
сиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-кув-  
ватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида», кейинги йил  
«Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини таш-  
кил этиш тўғрисида», «Маънавият ва маърифат» жа-  
моатчилик маркази фаолиятини янада такомиллашти-  
риш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида», 1998  
йил «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш

тўғрисида» Президент Фармонлари, Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги, Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш, «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш, XII Тошкент Халқаро кинофестивалини ўтказиш каби ўнлаб тадбирлар ҳакида хукумат хужжатлари эълон қилинди.

Булар барчаси мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларнинг янги босқичдаги давомийлигининг кўринишлари эди.

1995–2000 йиллар оралиғида назарда тутилган соҳалар амалга оширилган ислоҳот ва янгиликлар туфайли том маънодаги демократик тамойиллар асосида бирлашма, уюшма шаклидаги коллегиал бошқарувга асосланган ҳолда қайта таркиб топди, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш мақсадларига мувофиқлаштириб борилди. Энг муҳими тизимларни эркинлаштириш тамойили тизим ходимлари, айни мисолда ижодкорларнинг ижтимоий ва шахсий эркинликлари ҳамда тафаккур эркинлиги учун кенг йўл очди. Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан табиат ва жамият билан боғлиқ ўнлаб глобал муаммоларга дуч келди. Албатта булар бирдан пайдо бўлган муаммолар эмас эди. Ўтган аср иккинчи яримларидан бошлаб жаҳонда рўй берган воқеалар, ҳаётга, турмушга соғ рационалистик ёндошувнинг авжланиб боравериши, тараққиётнинг, муносабатларнинг асос заминини фақат моддий манфаатларгагина боғлаб қўйиш пировардида фавқулодда сиёсий, иқтисодий ва энг ташвишланарлиси, маънавий бухронларни содир этди. Жаҳондаги мана шундай шароитда Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб белгиланди.

Маънавиятни, маърифатни байроқ қилиб, мустақилликнинг дастлабки чорак йилида маънавий ислоҳотлар йўлида изчил сиёсат олиб борган Ўзбекистон давлати эндиликда фуқароларининг қалби ва онгига янгича қарашлар ва ёндошувлар тушунчаси ҳамда муайян малакани пайдо қилди.

Президентимиз айтганидек, «Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият».<sup>1</sup> Шу боис, миллий қадриятларни демократик тамойиллар билан уйғулапшириш, жамият жабҳаларида қарор топтириш, ижтимоий сиёsat қадрияташувида маънавий омил ва миллий қадриятлар таъсирини ошириш тажрибасини фалсафий нуқтаи назаридан илмий таҳлил этиш дол зарб масалага айланди.

Бугунги кунда Республика маънавият ва маърифат маркази хузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг ташкил этилиши маънавият-маърифат ва миллий ғоя билан боғлиқ умумназарий илмий-амалий масалаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда уни тарғиб этишнинг мамлакат миқёсидаги янги конструктив механизми жорий этилганлигини билдиради. Маънавий-маърифий ишлар тизими замон ва шароит тақосига қўра такомиллаштирилди.

Юқорида қисқача келтирилган ижтимоий-маънавий жараёнлар ва бу борада давлат ҳамда хукумат миқёсида илгари сурилган устувор сиёsat ва амалий ишларни умумлаштиrsак, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг эволюцияси ва давомийлигини тўрт босқичга ажратиш тўғри бўлади.

**Биринчи босқич** ислоҳотларнинг бошланиш палласи бўлиб, уни ҳали Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинмаган, аммо халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ана шу буюк тарихий ўзгаришни маънавий жиҳатдан тайёрлаб борган даврдан, яъни 1989 йилдан бошлаб, сўнгра 1991 йилдан дадил амалга оширишга киришил-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январь куни бўлиб ўтган видеоселекторда сўзлаган нутқидан. <https://president.uz>.

ган, унинг умумназарий аспектлари, стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган ва йил санасига кўра 1994 йил охиригача кечган даврни алоҳида белгилаш мумкин.

**Иккинчи босқич** 1995–2000 йиллар давомида юз берган ўзгариш ва янгиланишларни камраб олади. Бу даврда энди ислоҳотларнинг давомийлиги кузатилиб, маънавий-маърифий ишлар амалий ижро механизмиларини шакллантириш, унинг ижтимоий институтларининг таркиб топиши содир бўлди.

**Учинчи босқич** эса 2001 йилдан 2016 йилгacha бўлган даврни қамрайди. Бу даврда демократик янгиланиш ва маънавий-маърифий соҳаларда бошланган ислоҳотларнинг давом этиши ҳамда ривожланиши белгиланиб, бунда энди мазкур йўналишнинг ижтимоий институтлари фаолиятининг такомиллашуви, фуқаролар тафаккури ва турмушида миллый ва умуминсоний маънавий қадриятларнинг камол топиши кузатилади. Бу даврда маънавий-маърифий ислоҳотлар концепцияси ишлаб чиқилди; иккинчидан, бу концепция жамият ижтимоий ҳаётига узлуксиз ва изчил татбиқ этилди. Агар мустақиллик эълон қилингунга қадар бошланган маънавий-маърифий жараёнлар ўзгариш ва янгиланиш заруратини ижтимоий эҳтиёж даражасига етилганини намоён этган бўлса, Истиқлол воқе ҳодисага айлангач, маънавий-маърифий ўзгариш ва ислоҳотлар илмий-назарий концепциясини ва уни ҳаётга жорий этиш амалий механизмини ишлаб чиқишина тақозо этди.

**Тўртингчи босқични** Янги Ўзбекистон маънавий ислоҳотлар даври деб аташ мумкин ва бу давр 2016 йилдан бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Мана шу йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ҳамда 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари,

2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепсияси-ни ишлаб чиқишига доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сон фармойиши, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сон қарори ва ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилингандиги ҳам маънавият соҳасидаги ислоҳотлар жадал бораётганини билдиради.

## МАЪНАВИЯТ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ

«Глобаллашиб бораётган ва маърифий соҳада турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги дунёда маънавий ҳаётимизда ўзгаришлар динамикасининг тадрижий ривожланиш даражаси, унга хос умумий конуниятларнинг амалга ошиши ва бу билан боғлиқ ўзига хос миллий хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратишимиш даркор», дейди Президентимиз «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида<sup>1</sup>. Чунки глобаллашув билан боғлиқ ахборот хурожлари, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлар айнан миллий ўзлик ва миллий маънавиятга таҳдид солади.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидламоқ зарурки, кеининг йилларда бунёдкорлик ва тараққиётнинг янги босқичи шукуҳи билан кечётган соғлом турмуш тарзимизга, айниқса, тамомила янгича маънавий тарбияда камол топаётган ёшлар ҳаётига бегона чет таъсирларнинг адабиёт, санъат, айниқса, ижтимоий тармоқ ахборот хурожлари орқали ҳозирда «коммавий маданият» деб, аслида «оломон маданияти»нинг кириб келиши

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 268-б.

глобал ташвишлардан бирига айланяпти. Айниқса, маънавият соҳасида четдан нима ялтироқ кўринса, унга кўр-кўронга эргашиш ярамаслигини қайд этар экан, четнинг маънавий-мафкуравий «импорти» ҳажми ошиб бораётгани ташвишли ҳодиса эканини таъкидлайди Президентимиз. Аслини олганда, глобаллашувни ижобий ҳодиса, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, инсоният ва жамиятлар тараққий этиб бораркан, глобаллашиш ҳодисаси муқаррар ва табиий жараён ҳисобланади. Аммо ҳар қандай тараққиёт диалектик тарзда амалга ошади, унинг бир маромда кўринган динамик ривожланишида ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар нағоён бўлади. Хусусан, умумбашарий қадриятларнинг шакланиши ва такомиллашиши миллий-маънавий қадриятларнинг емрилиб боришига олиб келиши мумкин. Аммо, миллий-маънавий унсурларсиз умумбашарий қадриятларнинг яшовчанлиги камаяди ва уларни жорий этишда ҳам ўзига хос муаммолар юзага келади. Бу каби зиддиятлар глобаллашувнинг салбий томонлари билан боғлиқ масалаларни келтириб чиқаради. Жумладан:

- ◆ жаҳон иқтисодиётида монополияларнинг чегара ҳатлаб чиқаётганлиги, трансмиллий ва глобал дарражадаги жиноят ҳоллари учраётганлиги;
- ◆ ижтимоий нотенглик кучайиб бориши, бунинг нағижасидаги миграция ҳолатлари, иқтисодий начор давлатларда ички низоларнинг кучайиши;
- ◆ сиёсий мавқеи кучли ва ривожланган давлатларнинг ривожланмаган ва ривожланаётган давлатларни иқтисодий қарамликда ушлаш ҳаракати;
- ◆ юқумли касалликлар, заарли одатлар, бузғунчи ғояларнинг чегара босиб ўтаётганлиги;
- ◆ айниқса, халқларнинг азалий миллий урф-одатлари, қадриятлари умумбашарий тамойиллар ва қадриятлар бирлашуви таъсири остида йўқолиб кетиш хавфи остида қолаётганлиги кабиларни ин-

соният олдидаги глобаллашув билан боғлиқ хавф ва муаммолар сифатида санағатташып жүрді.

Шу ўринде К.Зигберснинг глобаллашувга ўзига хос ривожланиш йўлининг торайиши, умумий йўлдан оғишнинг иложи бўлмаслиги, ҳукумат ёки жамият томонидан онгли равишда ўзига хос тараққиёт йўлини танлаш имкониятининг қисқариши, деб берган таърифини эслаш жоиз.<sup>1</sup>

Миллий-маънавий қадриятларнинг «емрилиб» бориши хавфи даражасини аниқлаш учун бу қадриятларнинг моҳияти ва зарурати, уларнинг давлат жаҳон саҳнида ўз ўрнини топишидаги аҳамиятига тўхталашиб. Умумбашарий тамойиллар асосида жамият равнақини таъминловчи демократик давлат куриш – халқ манфаатини ифодалайдиган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадидир. Бунинг учун ижтимоий сиёсат фуқароларда миллий-маънавий ва демократик тафаккурнинг уйғунлашуви ва қадриятлашувига эришмоғи лозим.

Глобаллашув шароитида маънавият ўзаги ҳисобланган миллий қадриятларни такомиллаштириш ва шу орқали маънавият илдизларини чукурлаштириш зарурати куйидаги муаммоларда кўринади:

- айрим қадриятлашган урф-одат, кўникмаларда стереотипларнинг сақланиб қолинганлиги;
- «демократия», «оммавий маданият» никоби остидаги носоғлом мухит, шарқона ахлоқ нормаларига зид турмуш тарзини сингдиришга бўлган нохолис уринишларнинг учраётганлиги;
- зўравонлик, эгоцентризм ғояларининг тарғиб этилиши, наркотик моддалар, оммавий қирғин қуроллари ва одам савдоси орқали бойлик тўплашга бўлган харакатларнинг чегара ошиб ўтаётганлиги;
- миллий ахлоқ меъёrlарига зид унсурларнинг тарбия ўчоги бўлган оиласа кириб бораётганлиги;

<sup>1</sup> **Б.Очилова.** Миллий-маънавий юксалишда мос қадриятлар ва ворисийлик. – Т.: «Истиқол», 2009. 114-б.

- глобаллашувнинг халқлар маънавий-миллий негизларига таъсири;
- глобал муаммоларнинг характеристи, моҳияти ўзгариб бораётганлиги;
- бугунги замон руҳига мос келмайдиган, умуминсоний тамойиллардан ортда қолаётган миллий қадриятларнинг ҳам амал қилаётганлиги кабилар.

«Глобал ҳодисалар муайян жамиятдаги кишилар, айниқса, ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда»<sup>1</sup>. Глобаллашув шароитида миллий-маънавий қадриятларнинг амал қилиши, такомиллашуви ва шаклланишида куйидагиларни эътиборда тутиши лозим:

**Биринчидан**, миллий ва маънавий қадриятлар иштирокисиз умуминсоний қадриятларни ҳеч бир инсоннинг турмуш тарзига сингдириш мумкин эмас. Умуминсоний тамойиллар устувор бўлмаган давлатлар глобаллашувнинг бетўхтов ва кескин ривожланиш, қанот ёзиш жараёнларида «қоқилиб» қолиши, яъни, бу жараённинг ижобийдан кўра кўпроқ салбий оқибатлари курбонига айланиши мумкин.

**Иккинчидан**, миллий-маънавий қадриятлар тизимини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш жараёнида ижтимоий сиёsatнинг ўзи ҳам такомиллашиб, ўзгариб боради.

**Учинчидан**, глобал жараёнлар жаҳон миқёсини қамраб олиш билан умумийлик, маълум бир маконда ва муайян миллат ҳаётида содир бўлиши хусусийлик касб этади. Бу хусусийлик умумийнинг қисми бўлса-да, миллат ва ҳудудга хос хусусий, жумладан, маънавий сифатларсиз намоён бўлиши унинг амал қилиш ҳудудида «бегоналашув»ига олиб келади.

**Тўртингчидан**, миллат ўз маънавияти ва миллий қадриятларининг ҳақиқий эгаси. Ижтимоий сиёsat миллат билан ҳамоҳангликда маънавий ва миллий қадриятлар-

---

<sup>1</sup> **Б.Очилова.** Миллий-маънавий юксалишда мос қадриятлар ва восиийлик. – Т.: «Истиқлол», 2009. 117-б.

нинг макон ва замондаги ҳаракати, ўтмишдан келажакка яшаб ўтишини таъминлагандагина миллий ижтимоий сиёsat мақомини олади. Миллий маънавиятига таянган миллий ижтимоий сиёsat бўлмас экан, мамлакат жаҳон саҳнида ўз ўрнини йўқотади.

**Бешинчидан**, миллий-маънавий қадриятлар тако-миллашиб бормаса, яшовчанлиги йўқолади, бу глобал дунёда миллатни таназзулга олиб боради.

**Олтинчидан**, миллий маънавият тараққиёти ва миллий-маънавий қадриятларнинг такомиллашувига ижтимоий сиёsat билан бирга миллатнинг ўзи масъул бўлиши шарт.

Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари маънавий тарбия масаласини ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида яна энг зарур ва энг долзарб масала сифатида илгари сурмокда. Шунингдек, Президентимиз глобаллашув шароитида маънавий-мафкуравий таҳдидлар хавф солиб турган пайтда қўйидагилар асосий вазифалар сафида бўлиши лозимлигини таъкидлади:

- турли маънавий бузғунчилик ва вайронкорлик ҳаралатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айнисса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, эзгу фояларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;
- жаҳолат, умумий савиянинг пастлиги бузғунчи фояларга ишонувчанлик ва уларнинг таъсирига берилиш ҳолатларини бартараф қилиш учун пухта ишланган ва замонавий ижтимоий фан ютукларига таянадиган маънавий таълим-тарбиянинг изчил амалга оширилишига эришиш;
- бу борада таълим босқичлари, маънавият ва маърифат тизими учун зарур ўкув ва амалий дастурлар тузиш ва уларни жорий этиш;
- аҳолининг маънавий-маърифий саводхонлигини янги босқичга кўтариш, ушбу йўналишдаги таъ-

- лим-тарбия ишларини аниқлаш, бу борадаги самарали фаолият механизмини яратиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган фаолиятни такомиллаштириш;
  - соҳага замонавий ахборот-комммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, оммавий ахборот вситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш.<sup>1</sup>

## ЮКСАК МАЪНВИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ – ЯНГИ МАЪНВИЙ МАКОН ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Янги маънавий макон нима? У мутлақо янгича мақонми? Уни йўқдан бор қилиш керакми ёки борини тақомиллаштиришми? «Менинг назаримда у – биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртилиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир»<sup>1</sup>, деб эътироф этади Президентимиз. Дарҳақиқат, янги маънавий макон – миллий қадриятларимизга таянган, миллий ўзлик ва миллий ғурур илдизларига таянган, юксак ахлоқий-тарбиявий фазилатлар ва ҳуқуқий билимларни уйғунликда мужассам эта оладиган фуқаролик жамиятидир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жабхаларида туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этиш масаласини қўйди. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан, маънавий юксалишни, иккинчи томондан эса фуқаролик жамияти қуришда унга таянишни тақозо қиласди. Негаки, миллий-маънавий юксалиш тараққиёт омилига айланди.

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 273–274-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 276-б.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкуруни шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Инсонлар ўзлигини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланди. Шу боис, мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг бутун жаҳонда ҳайрат билан ўрганилаётган меросини янгидан ўрганиш ҳаёттый эҳтиёжга айланди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аз-Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг миллий-маънавий негизларини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда, демократик таъмойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўп partiya вийлик тизимини тақомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш каби вазифалар умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзидаги ифода этган ҳол-

да маънавият билан туташади. Жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсанг нинг бош таянчи бўлмоғи керак.

Маънавий юксалиш ҳар бир инсондаги руҳий ҳолат, онг тараққиёти билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятини барпо этиш маънавий етук инсонларни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳам боғлиқ. Чунки, айни билимлилик ва юқори маънавиятлиликдан ҳамманинг баҳт-саодати йўлида фойдаланиш мумкин. Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири – жамиятни юксак ғоявийлик ва миллий ғояга содиклик, ёт ва бузғунчи мафкураларга қарши муросасизлик руҳида тарбиялашдир.

Жамиятда мафкуравий иммунитетни шакллантириш фуқароларнинг ғоявий, назарий ва услубий тайёргарлигига боғлиқ. Ҳар бир жамият аъзоси, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши шарт. Ҳар бир тарбиявий маърифий тадбир маънавий душманларимизга қарши ғоявий қурол бўлиши лозим. Бугунги дунёдаги мураккаб мафкуравий вазият жамиятимизда ғоявий иммунитетни тарбиялашни фаоллаштиришни талаб қиласи. Чиндан ҳам Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий этган давлатлардан бирига айлантириш учун фарзандларимизда соғлом эътиқод ва дунёқараш, умумиллий бирлик бўлиши керак.

## МАЪНАВИЯТ РИВОЖИ ОМИЛЛАРИ

Президент олдимиизда «мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиб, халқимиз, айниқса, ёшлиар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш» вазифаси турганини қайд этиб ўтди.<sup>1</sup> Маъ-

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 278-б.

навий тарбия тизими янги стратегиясини яратишда жамиятда маънавиятни ривожлантириш ва юксалтиришда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бир неча ижтимоий институтлар ва омилларни ҳисобга олиш зарур. Булар куйидагилар:

1. Юксак маънавиятга эга баркамол авлодни тарбиялашда, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий қадриятларини, маънавиятини шакллантиришда ва юксалтиришда *оиланинг* ўрни бекиёсдир.

Маърифатпарвар адаб Абдурауф Фитрат оилани миллат манфаатига хизмат қилувчи, шу руҳни тарбияловчи бешик эканлигини алоҳида таъкидлайди. Оиладаги ижтимоий фойдали тарбия эса жамиятни мустаҳкамловчи омил бўлиб, унинг уйғоқлиги, ҳаракатчанлиги, маърифий комиллигига тақалишини таъкидлайди. Шу боис, Фитрат Ватану мамлакатни дилдан севувчи, унинг шаъни шарафини ҳимоя қилувчи фидойи фарзандларни кўплаб тарбиялаб вояга етказиш лозим, деган фикрни исботлаб беради.

Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилганлиги, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун хужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли хуқуқий пойdevor яратилганлиги, 1998 йилни мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда маҳсус ишлаб чиқилган давлат дастурларининг амалга оширилиши «оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тизимлари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келинаётганлигидан далолат беради.

2. «Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, *маҳалланинг* роли ва таъсири хусусида тўхталиш албаттга ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўй

либ келади. Президент «маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси» деб атади.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, дунёнинг бирорта мамлакатида учрамайдиган маҳалла институтига истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташабbusлари билан катта эътибор қаратилиб, обрўси қайта тикланди, ваколати кенгайиб, ҳаётимизда тутган ўрни юксалди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалланинг хукукий мақоми «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

3. Юксак маънавиятни шакллантирадиган асосий омиллардан бири – бу **таълим-тарбия** тизими ҳисобланди. Таълим-тарбия ҳақида гап кетганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрларини эслаш кифоя, деб ўйлаймиз. Ватанимизнинг ёруғ келажагини белгилайдиган, унинг куч-кудратини таъминлайдиган омиллар орасида таълим-тарбия соҳаси алоҳида ўринга эга. Чунки ҳар бир миллатнинг, халқнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдирни билан узвий боғлиқдир.

4. Жамият маънавиятини юксалтиришда, ёш авлод онгига маънавиятни сингдириш ва шакллантиришда **оммавий ахборот воситалари** ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Маълумки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чукур ҳис этиб бори-

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021. 115-б.

ши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

**5. Маънавият инсон қалби ва тафаккурининг маҳсулли экан, демак аввало ана шу қалб ва тафаккурга таъсир кўрсатиш масалалари долзарб ҳисобланади. Бу йўлдаги таъсирчан воситалардан бири бадиий *адабиёт ва санъатдир*. Зеро адабиёт ва санъат кишида мустақил фикр шаклланишига ёрдам бериш билан бирга, унинг руҳини такомиллаштиради, унинг тарбиясига таъсир кўрсатади, фоявий куроллантиришга ёрдам беради.**

Юксак маънавият инсонни, миллатнинг ақлий салоҳиятини ўзлаштирганлиги билан ҳам ўлчанади. Юксак маънавиятнинг инсонда намоён бўлиши инсоннинг табиатлашуви, жамиятлашуви, инсонлашуви кабиларни тақозо этиши керак. Бу жараён инсоннинг маърифатлашуvigiga, илмийлигига боғлиқdir. Илмдан тўғри фойдаланиш, ундан тўғри хулоса чиқариш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзилар ўзлари билган, эътиқод этган илмдан ўзгаларни баҳраманд этмайдилар.

**6. Миллий ғоя** маънавият ўзакларидан биридир. Миллий ғоя Ўзбекистон халқи ҳаёти, мамлакат олдига қўйган эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан қуриш мақсадини амалга ошириш учун маънавий-рухий куч-қувват манбаи ҳисобланади ва халқимизни бирлаштириб турадиган, миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаб, унга таянган ҳолда Ўзбекистонда демократик ижтимоий сиёsat олиб бориш, адолатли фуқаролик жамиятини куриш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Миллий ғоя миллий ғурур, аждодларга муносиб ворис бўлиш, улар билан фаҳрланиш ва уларга ўхшаб ўз Ватанининг равнақига муносиб ҳисса қўшишга, фидойилик билан меҳнат қилишга даъват этади. Ҳозирги замон илм-фан ютуқларини эгаллаш, фан ва технологияларни ўзлаштиришга ундейди, ватанпарварлик туй-

ғуларини оширади, ўз халқига ва миллатига бўлган садоқатини мустаҳкамлайди, шунингдек, келажак авлод олдидағи масъулиятини оширади. Миллий ғоя инсонларнинг – ватандошларимизнинг онгига, тафаккурига сингиб, ишонч ва эътиқодига айланган тақдирдагина мағфурага айланиши ва кўзланган мақсаддага эришиш мумкин. Бунга ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида эришиб боради.

7. Маънавий тараққиётда **миллий қадриятлар** такомиллашуvinинг ўрни катта. Миллий қадриятлар бу, аввало, миллатнинг ўзини, ўзлигини қадрлаши демакдир. Бу жаҳон саҳнидаги миллат бор экан, у каттами, кичикми, дунёнинг у четида яшайдими, ёки бу четидами, қатъи назар, унинг ўзлиги, миллийлиги, қадриятлар тизими бўлади. Токим, у қадрлаган тизим эъзозланмас экан, миллатнинг ўзи ҳам эъзоз топмайди. Миллий қадриятлар тизимини таркибан ўрганадиган бўлсак, улар ўзидағи қуйидаги хусусиятлар билан таснифланади:

- ◆ замон (миллат ўтмиши, бугуни, келажаги) билан боғлиқ;
- ◆ макон (миллий худуднинг географик жойлашуви, иқлими) билан боғлиқ;
- ◆ миллат генофонди, қон-қардошлик ришталари, миллий характерга хос;
- ◆ урф-одат, анъана, маросим ва байрамлар, ўйинлар билан боғлиқ;
- ◆ миллат тили, ёзуви, шевалари, халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ;
- ◆ миллат тафаккури, ғояси, миллий мақсад ва манфаатлар билан боғлиқ миллий қадриятлар.

Миллий қадриятлар миллий маънавиятни шакллантиришдаги энг муҳим омил саналади.

8. Миллий ғоя ва маънавият тарғиботи ва шаклланшида аждодларимиз мероси, дин, хусусан **ислом ва исломий қадриятларнинг** ўрни ва роли алоҳидадир. Уларни тарғиб ва ташвиқ қилиш натижасида кишилар-

да инсоф, иймон, виждон, бировларнинг ҳақини емаслик, ўғирлик қилишдан қўрқиш, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, етим-парварлик, хайру эҳсонли бўлиш фазилатлари шаклла-на борган ва бу ислом динига эътиқод килувчиларнинг миллий хусусиятига айланади борган. Миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлашуви инсон ва жамиятнинг маънавий жамланишига хизмат қилган. Зоро, бу қадриятлар ва руҳий билимлар мазмун-моҳиятини эзгулик ва покликка даъват этувчи ғоялар ташкил этган.

## **МИЛЛИЙ ГОЯ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ АСОСИДИР**

«Биз яратадиган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган»<sup>1</sup>, дейди Президентимиз.

Миллат манфаатларини ифода этувчи, миллатнинг равнақи учун фаолиятга йўналтирувчи ғоялар миллий ғоялардир. Ҳар бир даврнинг ўз миллий ғояси бўлади. Айтайлик, Жалолиддин Мангубердининг юрагига ўт солган миллий ғоя – эрк ва озодлик бўлса, Соҳибқирон Амир Темур даврида эл-улусни бирлаштириш, «Куч – адолатда» эканлиги миллий ғоя даражасига қўтарилди. Миллий байрамлар, миллий-маданий мерослар, миллий қадриятлар эса ўзида миллатнинг манфаати, мақсадини кўзловчи ўз даврининг миллий ғоясини ифодалайди. Миллий ғоянинг қадриялашуви миллий ахлоқни шакллантиришга, жамият аъзоларини маънавий бойитишга, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга кўмаклашади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январь куни бўлиб ўтган видеоселекторда сўзлаган нутқидан. <https://president.uz>.

Миллий ғоя миллий маънавиятни озиқлантирувчи ўзак сифатида иштирок этади.

Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солған муқаддас ғоя ва тариқатларнинг ватани ҳам Туркистон заминидир.

Миллий ғоялар асосида миллий мафкура юзага келади. Миллий ғоя, миллий мафкура диний қадриятларимизнинг уйғунлашуви жараёнида ижтимоий сиёсий жараёнларнинг ҳар бир иштирокчиси бир қатор масалаларни доимий эътиборда тутиши шарт.

**Биринчидан**, миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

**Иккинчидан**, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунё-қарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, мамлакатимизни турли таҳдидлардан ҳимоя эта оладиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя – мафкура бўлиши керак.

**Учинчидан**, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфијати ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, кўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб хурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

**Тўртинчидан**, миллий ғоя, биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юргта садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одা-

мийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

**Бешинчидан**, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиласидиган ғоя бўлиши керак.

Мамлакатимизда миллий истиқлол мафкураси ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидағи бурчи ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон сифатида эътироф этилган. Миллий истиқлол мафкураси қўйидаги **умумбашарий қадриятларга сұянади** ва улардан озиқланади: қонун устуворлиги; инсон ҳақ-хуқуклари ва хурфиксиклик; турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш; диний бағрикенглик; дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик; ўзга халқларнинг илғор тажрибаси ва маданиятини ўрганиш.

Ҳар қандай ислоҳотнинг самараси, аввало, халқ маънавий-рухий дунёқарашининг янгиланиши, тафаккурининг юксалиши, юз берайтган ўзгаришлар унинг ҳаёти ва тақдирига дахлдор бўлганини чукур ҳис қилиши, ундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ана шу нозик жиҳатга алоҳида эътибор берилди. Барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Бугунги кунда ҳам ўзгаришлар жараёнининг моҳиятида ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган таомойил мужассамдир ва бу сиёsat бугун ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас хуқукларидан бири – бу тинч яшаш хуқукидир. Дав-

лат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади. Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифа – жамият аъзоларини, аввало унинг асосий кўпчилигини ташкил этадиган ёшларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат руҳини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бу соҳада энг устувор вазифа – халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий қадриятларимизни такомиллашувига хизмат қиласидиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир. Жамиятимиз дунёқарашида ҳанузга қадар ижтимоий таъминот ижтимоий сиёсатнинг асоси, байрамлар, урф-одатлар, маросимлар, маданий-маънавий мерос, халқимиз характеристидаги айрим фазилатлар ва бошқа шу кабилар миллий қадриятлар манбаи бўлиб қолаётир. Лекин бугун давр ва унинг талаблари мутлако ўзгарган. Шунга мувофиқ равишда мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатда жуда куп жабҳаларда амалга оширилаётган амалий ўзгаришлар орқали умуммиллий ғоявий дунёқарааш моҳиятини ўзgartиришга ҳаракат қилинмоқда ва ўтган йиллар ичida бу масалада катта ютуқларга ҳам эришилди.

## **МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖИ**

Давлат ўз ҳудудида амалга оширадиган ижтимоий сиёсатни танлаб олар экан, уни иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий ва шу каби бошқа эҳтиёжлар ва мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда шакллантиради. Лекин давлатнинг ушбу сиёсатини амалга ошиши учун хизмат

қилувчи бош асослардан бири фуқаролар онгига маънавий қадриятларни шакллантиришидир.

Ижтимоий сиёсатнинг бу борадаги амалиёти Президентимиз томонидан белгилаб берилган давлат сиёсатининг тамойиллари, унинг мақсадлари билан узвий боғлиқликда шаклланади. Шунга асосан ижтимоий сиёсат амалда қадриятлар тизимидан мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари, реал ҳаётга мувофиқлик, комплекслилик, тизимлилик, давлат ва жамият манфаатларининг мувафиқлиги, босқичма-босқичлик, миллий анъанавий қадриятлар ва илфор замонавий имкониятлар ҳамкорлиги, стратегик йўналтирилганлик, маънавий-рухий интилувчанлик, хукуқий билимдонлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, манфаатлар мувозанати, ижтимоий шериклик, илмийлик, амалий муносабатлар, қонунийлик, демократизм, уйғунлик, тизимлилик, яхлитлик, истиқболлийлик, инсонпарварлик, очиқ-ошкоралик, ижтимоий адолат, teng имкониятлилик каби тамойилларнинг ҳам ўрин олишига асосланади.

Мазкур фикрлар пировардида айтиш мумкинки, миллий қадриятларни такомиллаштириш ижтимоий сиёсатда амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини ошириши билан чукур даражада боғлиқ бўлиб, бу борада бир қатор муаммоларга барҳам бериш лозим бўлади.

Миллий қадриятларни такомиллаштириш тизимининг сиёсий мақсадларидан келиб чиқиб, эндиликда янги авлод кадрларини тайёрлашни нафакат микдорий, балки сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш лозим бўлади.

Бугунги кунда, айтиш мумкинки, жамиятда ўзининг ақл-идроқига, интеллектуал салоҳиятига, яратувчанлик кучига – маънавиятига ишонч уйғонди. Тўғри, бу ишонч аста-секинлик билан объективлашиб бормоқда, бу борада ҳали бартараф этилиши зарур бўлган тўсиклар етарлича топилади. Аммо халқимизда, фуқароларимизда ўзлигини англаш ва намоён этиш истаги барқарор қадриятларга айланиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас. Айнан

ушбу истак Ўзбекистонда кечётган ижтимоий сиёсий жараёнларга маъно, проектив йўналиш бахш этмоқда.

**Хулоса ўрнида** қуидагиларни эътироф этиш лозим.

Мустақиллик бугунги кунда миллати ва динидан қатти назар, фуқароларимизнинг қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйгусини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Тараққиёт ва ривожланиш ғоялари эса жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждан эркинлиги тамойилларига аҳамият берган ҳолда маърифий йўл билан сингиб бормоқда. Юртимизда бугун олиб борилаётган ижтимоий сиёсат натижасида шаклланган маънавий тараққиёт қуидаги ижтимоий-сиёсий тамойилларга суюниши лозим:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- давлатимизнинг худудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- қонун устуворлигини таъминлаш;
- демократия ва ўзини ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- ҳалқаро ҳуқук қоидалари билан уйғунлик; иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш;
- давлатнинг бош ислоҳотчи экани ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганига таяниш;
- виждан эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши.

Шуни ҳам айтиш керакки, янги Ўзбекистон ижтимоий сиёсати яратган маънавий қадриятлар тизими Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий тамойиллар сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур тамойилларнинг ижтимоий сиёсатдаги ўрни ўз навбатида, уларнинг республикамиизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши билан белгиланади.

Биламизки, озодлик истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари сафарбар қилувчи, уларни бу йўлда уюштирувчи маънавий омил сифатида моҳиятга эга эканини ифодалайди. Жамият аъзоларини, ахолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимиз, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бугун жамиятимизга анъанавий миллий қадриятлар билан бир қаторда жаҳон цивилизациясининг эришган ютуқлари ва умуминсониятнинг асосий қадриятлари устувор бўлмоқда. Бу тизимнинг асосий-марказий қадриятлари Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаронлиги фояларини ижтимоий барқарорлик, жамиятдаги субъектлар (миллатлар, синклар, қатламлар, партиялар ва ҳоказо) ўртасидаги ҳамжиҳатлик, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, умумжаҳон цивилизацияси ютуқлари ва шарқона анъаналарнинг уйғунлигига эришиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ҳукуқий давлат ва кучли ижтимоий ҳимоя механизмига эга бўлган бозор муносабатларига хос жиҳатларни ифодалайди. Бу шундан далолат берадики, ҳозирги даврда, Ўзбекистонда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, янгича қадриятлар тизими шаклланди ва уни такомиллаштириш асослари мустаҳкамланмоқда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ. 2017. 74-б.

2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

3. «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 30 июль.

4. «Ёшлиарни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2018 йил 15 август. <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

5. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидан миллый гояни ривожлантириш концепцияси. 2019 йил. 27 ноябр. ID-10558. Лойиха. <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558>

6. Ш.Мирзиёев. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Миллый тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

7. Ш.Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик. Миллый тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

8. Ш.Мирзиёев. Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Миллый тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

9. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2021.

10. И.А. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.

11. И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият». 2008.

### **I I. Монографиялар, китоблар, рисолалар.**

1. Абдулла Авлоний. Туркистон ёхуд ахлоқи гулистон. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. 160-б.

2. А.Абдуллаев. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Т.: «Маънавият», 1999. 100-б.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирӣ, 1993. 224-б.

4. Н. Жўраев. Мағкуравий иммунитет. – Т.: «Маънавият», 2000. 16-б.

5. И. Жабборов. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: «Ўқитувчи», 2003. 208-б.

6. М. Имомназаров. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: «Шарқ», 1996. 144-б.

7. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.: 1998. 128-б.

8. Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.: «Фан», 2001. 214-б.

9. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т.: «Шарқ», 2001. 192-б.

10. Қ.Назаров. Аксиология. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2004.

11. Б.Очилова. Миллий-маънавий юксалишда мос кадриятлар ва ворисийлик. – Т.: «Истиқлол», 2009. 117-б.

12. И.Соифназаров. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: «Шарқ», 2001. 158-б.

13. Қ.Х. Хоназаров. Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар. – Т.: «Фан», 1994. 126-б.

14. А.Эркаев. Маънавият миллат нишони. – Т.: «Маънавият», 1999. 240-б.

15. А.Эркаев. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: «Маънавият», 2002. 240-б.

16. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 198-б.

17. В.Қўчкоров. Миллий тикланиш ва ўзликни англаш. – Т.: 2004. 64-б.

## МУНДАРИЖА

Маънавият – қудратли куч .....	3
Нур – Шарқданур .....	7
Маънавий-маърифий ислоҳотлар эволюцияси .....	11
Маънавият ва глобаллашув .....	19
Юксак маънавиятни шакллантириш – янги маънавий макон яратишнинг муҳим шарти .....	24
Маънавият ривожи омиллари .....	26
Миллий гоя миллий маънавият асосидир .....	31
Маънавий қадриятларни шакллантириш – жамият эҳтиёжи .....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	38

---

*Илмий-оммабон нашр*

## ШАҲЛО АҲРОРОВА

# МАЪНАВИЯТ ЭНГ ТАЪСИРЧАН ВА ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛИМИЗДИР

*Toishkent «Maъnaviyat» 2022*

Мухаррир *Ислом Ҳудойқулов*

Рассом *Шұҳрат Соҳибов*

Мусаххих *Шарофат Ҳуррамова*

Компьютерда тайёрловчи *Шұҳрат Соҳибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишига 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.

«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 2,10. Нашр табоги 1,96. Буюртма № 22-97.

Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Таракқиёт 2-берккӯча, 2-үй. Шартнома № 34-22.